

Таксида қолдирилган 1 млн рубл эгасига қайтариб берилди



13:05 / 24.02.2019 2188

Москва шаҳрида таксичилик қиладиган асли Қирғизистон фуқароси бўлган йигит автомобилида қолдириб кетган 1 млн рубль ва паспортни эгасига қайтариб берди, деб хабар беради Лайф.ру. Кутилмаган ташвишдан халос бўлган махачкалик аёл таксичининг ота-онасига ташаккурлар билдириб, таксичи нафақат пулни олиб келган балки уни аэропортга ҳам олиб бориб қўйгани ҳақида видео мурожаат қилган. Super.kg порталнинг аниқлик киритишича, 27 ёшли Нурсултон Кайназаров 20 феврал куни кечгача таксичилик қилиб, уйига боргандагина мошинасида пул борлигини кўриб қолган. У 12 соат олдин бир аёлни Домодедово аэропортидан олиб манзилига олиб борганини эслаб ўша манзилга йўл олади. У пулни ўзида олиб қолишни хоҳаламаган ва тезлик билан эгасига қайтаришни лозим топган.